

МУҲИМИ, ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОПА БИЛИШ

(Боши 1-бетда)

Ишбилармонлар сиймосида биз нафақат иқтисодий кўтарувчи янги кучларни, балки ўзимизга ишончли суянчиқларни ҳам кўрмоқдамиз. Мулкнинг давлат тасаруфидан чиқарилиши билан улар тобора катта салмоққа эга бўлиб бормоқдалар. Шу билан бирга уларга иш берувчилик вазифаси ҳам ўтмоқда. Бир эса олайлик-а, кейинги йилларда республикамизнинг турли вилоятларида қанчадан-қанча меҳнат ярамалари ўтказилди. Минглаб одамлар ишли бўлишди. Лекин улар ижтимоий ҳимояга ҳам муҳтождирлар. Худди шу ўринда касабаяушмаси ўз сўзини айтиди ва бундан буён ҳам айтаверди.

— **Иш ҳақининг ўз вақтида берилишида банкларнинг ҳам роли**

катта. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, у ёки бу корхона ёхуд фирманинг банк ҳисобида маблағ бўлса-да, банк нақд пул йўқлигини баҳона қилиб иш ҳақи тўловларини маблағ билан таъминлашни пайсалга солади. Касаба уюшмалари, ҳойнаҳой, бундай ҳолларда кучсиз бўлса керак-а?

— Масалага қай томондан ёндашишга боғлиқ! Иши гуруҳимиз ўқитувчилар, врачлар ва бюджет ташкилотларининг бошқа вакилларига иш ҳақи берилиши юзасидан республикамизнинг бир қанча вилоятларида текширув ўтказди. Баъзи жойларда ходимларнинг оилаб маош олмаётганликлари маълум бўлди. Шунда биз масалага Қонун нуктаи назаридан ёндашдик ва ахвол тезда ўзгарди. Мисол учун, Жиздунда бизнинг мутахассисларимиз «Пахтабанк»

нинг туман бўлими бошқарувчиси билан ўқитувчиларга иш ҳақидан қарздорлик бўйича суҳбат ўтказди. Суҳбат чиндан ҳам жиддий бўлди ва бир кун ўтиб-ўтмай 95 миллион сўм қарздорлик ёпилди. Бунга маъмурият, суд органларини жалб қилиш эвазига эришилди. Кўпгина тижорат банкларининг ўз муаммолари ҳам борлигини яхши тушунаман. Бироқ меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси, хусусан, иш ҳақини ўз вақтида бериш масаласида ҳар қандай шароитда улар билан ёнма-ён ишлаб, тил топишишимиз шарт.

— **Гўё ҳаммаси силлиқ кетаётгандек. Айтинг-чи, касабаяушмалари шайнинг танқидий фикрларини четлаб ўтиш мумкин, деб ўйлайсизми?**

— Кошки шундай бўлса. Олдимизда ҳал қилишимиз лозим бўлган кўплаб муаммолар турбиди. Хулоса

қилиб айтишим жоизки, хозирги босқичда касабаяушмалари ҳаракатида ҳали тўла фойдаланилмаётган ташкилий-бошқарув ва мафрувий имкониятлар жуда кўп. Бу ўтиш даврининг мураккабликлари, бозор муносабатларининг тўла шаклланимаганлиги, жамоат тизимлари турли бўғинларининг кўп укладли иқтисодий шароитида ҳали етарли даражада яхши ишламаётгани билан изоҳланади. Бундан ташқари, ижтимоий шериклик юзасидан айрим масалаларнинг ўз ҳуқуқий ечимини топмаганлиги, айрим ижтимоий стандарт ва кўрсаткичларнинг қонунаман эътироф этилмаганлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам таъсир этмай қолмаётир.

Ижтимоий шерикчилик тамойиллари янги шароитда касабаяушмаларидан усул ва услубларини тубдан қайта қўриб чи-

қишни тақозо этади. Иқтисодий тағ-заминидан қайта ислоҳ қилиниши, мулкчилик шаклининг ўзгариши, хорижий инвестициялар билан ишлайдиган корхоналар сонининг ортиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ҳётимиздан муқим ўрин олиши касабаяушмаларини бозор иқтисодиётдан келиб чиққан ҳолда янги шароитга мос равишда фаолият юритишига ундамоқда. Нима бўлмасин, барча муаммоларни ҳал қилиш керак. Муҳими, ўз ишимизда биз ёлғиз эмасмиз. Меҳнаткашлар ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустақамлашда касабаяушмаларининг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланиши мустақиллигимиз шарофати ила ўзининг янги медаларини бериши шубҳасиз.

В.СЛАВИН

Зарафшон шаҳрида янги супермаркет — «Элегант» иш бошлади. Замонавий услубда барпо этилган ушбу савдо мажмуи ўн бир бўлимдан иборат. Ҳозирда 22 нафар ишчи меҳнат қилаётган дўкон хизматидан аҳоли мамнун.

Суратларда: сотувчи Елена Якушенко; супермаркетнинг ички кўриниши.

С.ЗУФАРОВ, (Ўза) олган суратлар



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТЎНГИЧ НУРХОНАСИ

Фахр

«Бугун Бўзсув гидростанцияси ишга тушади, - деб ёзилган эди хозирги Ўзбекистон овози газетасининг 1926 йил биринчи май сонида босилган мақолалардан бири. - Урта Осиёдаги бу тўнгич нурхонамизнинг дастлабки икки агрегати қувват бера бошлади. Улкан ГЭСнинг қувватидан бутун шаҳар чарогон бўлади...»

Дарҳақиқат, Тошкентдаги Бўзсув ГЭСининг бунёд этилиши катта воқеага айланган.

Мамлакатимиз энергетика тизимининг вужудга келиши ана шу нурхонадан бошланганлиги сабабли Ўзбекистон энергетика тарихи му-

зейини айнан Бўзсув ГЭСи худудида очишга қарор қилинган. Мана шунга ҳам 25 йил бўлди. Музей павильонларини айланган киши республикамиз энергетикасининг босиб ўтган тараққиёт йўллари билан яқиндан танишиши мумкин. Экспозициялардан бири Тошкент вилоятидаги гидроэлектростанциялар каскадларига бағишланган. Бу ерга Чирчиқ, Бўзсув, Қибрай электр корхоналарини бунёд этиш тарихи билан боғлиқ ҳужжатлар, чизма ва макетлар қўйилган.

Чирчиқ дарё тизмасида ишлаб турган 18 та корхона ҳақида ҳикоя

қилувчи экспонатлар орқали томошабин кўпгина янгиликларни билиб олади. Фарҳод ГЭСи, Сирдарё ГЭСи каби йирик иншоотлар қурилишини ўзида акс эттирувчи чизма, фотосурат ва макетлар ҳам кўзга кўринарли жойдан ўрин олган.

Музейнинг расмлар бурчагида энергетика тизимида жонбозлик кўрсатган мутахассисларнинг портрет суратлари қўйилган. Тажрибали монтёр Анвар Шуқуров, катта уста Юсуф Муслимов, таниқли мутахассис Раҳим Пидавеллар шулар жумласидан.

А.АЛИЕВ



ЧОРВАДОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Бу йилги баҳор анча серёғин келгани деҳқонларимизга тугроқ қийинчилик тулдирган бўлса, чорвадорларнинг отаридаги тугроқ сонини кўпайтириб, қўй-қўзиларини яйратиб боқишига имкон яратди.

Ўт-ўланга бурканган яйловларимизда 1 миллион 434 минг 123 бош совлиқ боқилмоқда. Унинг 1 миллион 191 минг 695 тасини наслдор қорақўл қўйи ташкил этади.

Шу кунларда чўп-чўлиқнинг қўли-қўлига тегмайди - қўзилатиш мавсуми авжда. Чорвадорларимиз тугроқ сонини кўпайтириш билан бирга юксак маҳсулдорликка эришишга интилмоқда.

Чорвачилик ҳўжаликларида қўзилатиш мавсумининг бориши ҳақидаги маълумотга қараганда, шу кунга қадар бир миллион тўрт юз мингдан кўпроқ қўзи олинган. Мамлакатимиз бўйича ҳар юз совлиқдан ўртача 105 тадан соғлом қўзи олишга эришилди. Чорвачилик яхши ривожланган Навоий вилоятида ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўзи олинапти. Уларнинг аксарияти ўстиришга қолдирилади.

Қашқадарё ва Андижон вилояти чорвадорлари қўзилатиш мавсумини муваффақиятли тугаллади. Навоийлик, сурхондарёлик ва бухоролик қўйчувоилар ҳам бугун-эрта мавсумни яқунлаш арафасида.

Айни вақтда юрти-мизда қорақўл тери тайёрлаш ишлари ҳам кўнўлдан кўнўл давом этилди. Шу кунга қадар қарий тўрт юз минг донага янги қорақўл тери тайёрланди.

(Ўза)

15 ФОИЗ ҲАҚ ОЛДИНДАН ТЎЛАНМОҚДА

Пилла — кишлоқ ҳўжалигининг дастлабки ҳисоли ҳисобланади. Бу йил 990 тонна кумуш тола етиштиришга аҳд қилган сурхондарёлик пиллакорларга Андижон, Бухоро ипак курти уругини тайёрлаш заводларидан Андижон-3, Андижон-4, Ўзбекча-5, Ўзбекча-6 ҳамда Титрогирбет-3 навларидан 21582 кути уруғлик келтирилди. 15700 кути ипак курти инкубаторияларда жонлантирилиб, Жарқўрғон, Термиз, Музробод, Шеробод туманлари пиллакорларига тарқатилди.

Унғача тайёрлов идоралари куртхоналарга тўшаиш учун қоғоз, ҳароратини ўлчовчи термометр, психометр ҳамда хоналарни дезинфекцияловчи формалин дозиларини етказиб берди.

Президентимизнинг «Кишлоқ ҳўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, сурхондарёлик тайёрловчилар бу мавсумда оилавий пудратчилар билан ички ва ҳўжалик шартномалари тўздилар.

Бу йилги мавсумда ипак курти озукаси таъминотида узилишлар бўлмади. Чунки 2268 гектар тўздор ва 11 миллион туп баланд танали тут дарахлари яхши парварош этилди. Айниқса, ҳосил қийматининг 15 фоиз ҳақи олдиндан тўланаётганлиги пиллакорларимизни руҳлантирмоқда, - дейди Сурхондарё вилоят пилла акциядорлик бошқармаси бошлиғи Беғали Кенжаев.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири

Жамолдин Қосимов ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини сира кўздан кочирмайди. Ошхонадаги таомлар сифати, дам олиш хоналаридаги шарт-шароит, иш жойларининг хавфсизлиги, маошларининг ўз вақтида берилиши билан қизиқинининг боиси ҳам шундан.

Момиқ ишлаб чиқариш цехини кўздан кичирайтиб, бригада бошлиғи Қобилжон Мирзаевнинг роса «пешонасини терлатди». Дастгоҳлар атрофида ҳимоя воситаларининг йўқлиги, хоналардаги ёриткичларнинг ишламаётганлиги, ҳаво тозаловчи ускуналарнинг носозлиги ҳақида бригадирни саҳобага тутди. Цех худудидаги ишчилар ҳордик чикарадаги майдончанинг ташландик аҳолидан айниқса қаттиқ ранжиди.

Бошқарув ҳайъатининг йиғилишида ҳам шу ҳақда гап борди. Жамоа шартномасида ижтимоий ҳимоя шароитларининг ижроси муҳокамадан ўтказилди. Иш берувчи сифатида ўзи, ходимлар номидан касабакўм раиси Абдумалик Хусанов ҳайъат олдида ҳисоб бердилар. Ишлаб чиқариш бригадаси бошлиқлари Хуршид Ҳасанов, Шохмехан Қаҳрамон Холмирзаевлар ишчилар учун талаб даражасида

хавфсиз меҳнат шароити яратмаганликлари учун яшшигина «дакки» эшитди-фолики таъминлайдиган чанг ютгич жиҳозлар, деворларга қўшимча ёриткичлар ўрнатилди. Эндиликда ишчилар ораста, чарогон, чанг ва гарддан холи цехларда меҳнат қилаётирлар. Дам олиш вақтларини цех ёнида

Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

Ҳўш, мактабга қатнаётган болаларнинг кийим-боши, ўкув қуроллари нима бўлади? Касабақўм раиси Абдумалик Хусановнинг бошқарув раиси Жамолдин ака Қосимов билан суҳбатни ана шу саволларга жара

раржой маъмурият қарори билан уста номига расмийлаштирилди. Ишхонада 60 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоялаш, хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш, жамоа шартномасида ало-

муш қурган ёш оилаларга 626 минг сўмлик ёрдам пули берилди. Созловчи Иброҳимжон Умаров, нурчи Азизилло Нишоннов, тракторчи Муҳаммаджон Усмоновлар ишхонанинг фахри. Улар 2002 йил якунига бағишланган акциядорлар йиғилишида қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам тўбора яхшиланиб бораёпти. Ўтган йили тола олиш режаси 32,85 фоизга адо этилиб, 108 тонна кўп тола ишлаб чиқарилди. Натижада маҳсулот сотишдан 3 миллиард 738 миллион 273 минг сўм даромад қилинди. Энг муҳими, маҳсулотнинг асосий қисми хорижа жўнатилмоқда.

— Бугунги кунда дейди биз билан суҳбатда бошқарув раиси Жамолдин Қосимов - маҳсулотларимизни 10 га яқин хорижий сармоядорлар харид қилиб олаптилар. Айниқса, Англия, Германия, Белгия мамлакатларида таламизга эҳтиёж катта.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» муҳбири

ИШЧИ КАЙФИЯТИ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

лар. Тозалаш ва қуриштир цех касабаяушмаси раиси ҳам фаолиятсизликларини учун кўпчилик ўртасида изза тортиди. Мажлисида ишчиларнинг меҳнатини муҳофазалаш юзасидан маъмурият ва касабакўмининг кўшма тadbири белгиланди.

Қайта таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Бош муҳандис Муҳаммаджон Мамажонов, қурилиш бўлими бошлиғи Дилмуроджон Хусановларнинг бош қашшига қўллари тегмасди. Шовқин билан ишлайдиган, кўплаб электр энергияси ва меҳнат талаб қиладиган, паст унумли машиналар серунум, камчиқим, товушсиз ишлайдиган ускуналар билан алмаштирилди. Тўй-нукларга экологик мусоф-

ташқил қилинган анвойи гулзор оғушида ўтказяптилар. Ҳўжаобод пахта тозалаш акциядорлик жамияти ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш-нида ибратли иш юритаётган жамоалардан биридир. Бу борада юқорида гувоҳ бўлгангиздек, жамоа шартномаси ва унинг шартларига оғишмай амал қилиш катта наф келтиряпти.

Касабақўм тола ажратиш цехи ишчиси Ашурхон Сиддиқовнинг касал-хонага тушганлигидан оғоҳ бўлди. Оиланинг бошқарувчисида ажралганлиги анча бўлганди. Боз устига қўл учиде тирикчилик ўтказди. Ойлик маош дори-дармонга етadini, қозон қайнатишгами?

воб топиш асносида кечди. Жамолдин ака ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси масаласида касабакўмин доимо қўллаб-қувватлаган. Хуллас, иш берувчи билан касабакўмин беоморнинг харажатларини қоплаш учун 50 минг сўм моддий ёрдам гувоҳ ажратиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди. Ашурхон опа дийдолашиш учун кириб келадиган касабакўм раиси тонадан кўраркан, қўзлариде қувонч порлади.

Корхонанинг камхарж оилаларни рағбатлантириш бўйича савобли юмушлари кўп. Уста Муҳаммаджон Мамажоновнинг текинга уйи-жойи қилган ҳам жамоа бўлди. Корхона ҳисобидеги ушбу ту-

раржой маъмурият қарори билан уста номига расмийлаштирилди. Ишхонада 60 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоялаш, хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш, жамоа шартномасида ало-

муш қурган ёш оилаларга 626 минг сўмлик ёрдам пули берилди. Созловчи Иброҳимжон Умаров, нурчи Азизилло Нишоннов, тракторчи Муҳаммаджон Усмоновлар ишхонанинг фахри. Улар 2002 йил якунига бағишланган акциядорлар йиғилишида қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам тўбора яхшиланиб бораёпти. Ўтган йили тола олиш режаси 32,85 фоизга адо этилиб, 108 тонна кўп тола ишлаб чиқарилди. Натижада маҳсулот сотишдан 3 миллиард 738 миллион 273 минг сўм даромад қилинди. Энг муҳими, маҳсулотнинг асосий қисми хорижа жўнатилмоқда.

— Бугунги кунда дейди биз билан суҳбатда бошқарув раиси Жамолдин Қосимов - маҳсулотларимизни 10 га яқин хорижий сармоядорлар харид қилиб олаптилар. Айниқса, Англия, Германия, Белгия мамлакатларида таламизга эҳтиёж катта.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» муҳбири

Бозор шароитида кўпга бош бўлиш осонмас. Раҳбар омилкор, ташаббускор, қатъиятли, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган, жамоани ўз ортдан эргаштирадиган киши бўлиши керак. Бухородаги «Биосервис» хиссадорлик жамиятининг раиси Адиз Мусаевдан ҳодимлар кўп нарса кутишганди. Унинг тажрибасига, салоҳиятига суянишганди.

Бахтга қарши вақт ўтиши билан иш олдинга босиш ўрнига орқага кетди. Жамият раиси ҳал қилувчи дамларда омилкорлик кўрсатиб, муаммоларни ҳал этолмади. Боз устига тажрибали ходимлар, билимдон мутахассислар фикри билан ҳисоблашмади. Мен раҳбарман, меники тўғри, қабилида иш юритиш бора-бора адолатсизликларни юзага келтирди. Тахлил шунки кўрсатдики, жамоа етакчиси бозор шароитида фаолият юритишга ўзини ва бошқаларни тайёрлай олмади. У келгунга қадар йилга ўрта ҳисобда 100 миллион сўм атрофида хизмат кўрсатишнинг удрасидан чиққан жамоада ўзибўларчилик чуқур илдиз отди. Ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётганлар негадир ўзича ҳаракат қилар, пировард натижа учун масъуллик сезилмасди.

РАҲБАРГА НЕГА ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРИЛДИ?

Ходимлар бир нарсадан ҳақли равншида ранжишди. Яъни, раҳбар негадир хотамтойлик билан жамоа мулкани бўлиб беришгача борди. Бунда акциядорларнинг розилиги олинмади. Масалан, бир ярим йил деганда раис ўзбошимчалик билан корхонанинг фойдали ҳашаротларини кўпайтиришга ихтисослаштирилган библияни Қоровулбозор туманига, Жондордаги худди шу йўналишда хизмат қилаётган бир гектарлик қурилиши тугалланмаган участкага қарашли техника воситаларини сув текинга кимларгадир кўп қўллаб топширди. Асосий воситалар «ким ошди» савдосига қўйилганда ҳам майли эди. Шундай бўлса-да, жамият раиси А.Мусаев 2002 йилги молиявий

ҳўжалик даври яқунларига бағишлаб ўтказилган хиссадорларнинг йиғилишида камчиликларни мардона тан олиш, муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар хусусида

тўхталиш ўрнига умумий гап сузлардан нарига ўтмади. Ваъдалар билан қутулишга уринди. Ҳозирги кунда маъзур жамоа аъзолари ҳам раҳбар мутахассислардан аниқ харажатлар кутишмоқда. Қуруқ гап-сузлар даври ўтди. Кимёвий ишлов бериш усулини нисбатан ҳам арзон, қулай, ҳамда фойдали бўлган, қолаверса, атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган биологик хизмат кўрсатиш қўламини намунали йўлга қўйишга тўхтади. Бунинг учун ходимларни эъзозлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, хайрли ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Етакчининг кучи шахсий ибрат кўрсата билишда-

Ахир корхонанинг миллионлаб сўм муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўлсаю, бу ҳақда ломим дейилмасе. Ойни этак билан ёпиб бўлмади-ку. Мунозара дав-

рида кўпгина камчиликлар, фирромликлар очиб ташланди. Жумладан, «Ўғлон» фермер ҳўжалиги таъшилотнинг ян-янги МТЗ русумли трактори ижарага берилганига бир йилу уч ой бўлсаю, ижара тўловидан шу вақтгача дарак бўлмади. Шартномага кўра фермер ҳўжалиги тракторнинг хар бир иш соати учун 97 сўмдан ҳақ тўлаши керак экан...

Мана бундан нима дейиш мумкин: Олот туманидаги фуқаро М.Очилов бошқараётган трактор жамоага маслаҳат солмай, акциядорлар рухсати олинмай, идоранинг собиқ ишчисига «иньом» этилган. Орадан ойлар ўтган бўлса-да, корхона ҳисоб рақамига ушбу восита учун бир сўм ҳам

ўтказилмаган. Шу ва шунга ўхшаш жиддий камчиликлар, ўзибўларчиликлар жамият раисига қимматга тушди. Йиғилишда хиссадорлар унинг фаолиятини «қоникарсиз» деб топдилар. Қузатув кенгашининг тақлифи билан раҳбарликка тавсия этилган номзодларнинг бири — тажрибали мутахассис Х.Муҳамедова жамият раиси этиб сайланди. Ишчанлик, ўзаро талабчанлик ва зиятида ўтган йиғилишда акциядорлар аҳолини ўнглаш, иқтисодийнинг юксалтиришга қаратилган аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Президентнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида ҳусусий секторнинг улуши ва ахамиятини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, жамият тасаруфидеги асосий воситаларнинг қийматини 50 минг АҚШ долларига етказиш ва уни очик турдаги хиссадорлик жамияти сифатида қолдиришга келишиб олинди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири

Ҳарбий хизмат — фахрли бурч, олий шараф

НУРИСТОНДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Иккинчи чақирик Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши янги турдаги армияни шакллантиришга доир ҳуқуқий асосларни яратиш ва хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шараф, ўз ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Нишон тумани ҳокимлигига Н-қисм командири, подполковник А.Назаров ва шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари капитан Х.Каримов имзоси билан хат келди. Мақтубда «Туркманистон» хўжалигида вояга етган, айни пайтда ўзининг йигитлик бурчини адо этаётган Ойбек Аҳмедовнинг намунали хизмати тўғрисида илқ сўзлар битилган эди. Командирларнинг ташаккурномасидан Ойбекнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, у билан олган мактаб жамоасининг кўнгли кўтарилди.

Туманда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Армияга қақирилган ёшлар ҳарбий тайёргарлик жараёнини, илғор техникаси, ҳарбий хизматнинг интеллектуал мезонларини пухта ўрганиб олишган.

Ҳокимлик, касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний», «Махалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳарбий қисмлар ўртасида муштаҳам алоқа ўрнатилган. Яқинда ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Ўткирова, оқсоқоллар, уруш фахрийлари, «Қамолот» ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат гуруҳ Нуристон қўрғонида жойлашган ҳарбий қисмда уч авлод учрашувини ўтказдилар.

Қизикarli мулоқот ватан ҳимоячиларида катта таассурот қолдирди. Армия сафларида хизмат қилиш ҳар бир фарзандга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди. Вилоят «Наврўз» жамғармаси раиси Низом Бегматов раҳбарлиги

да мутасадди ташкилотлар ва ота-оналардан ташкил топган делегация Тошкент, Термиз, Жиззах ва Фарғона водийсидаги ҳарбий бўлинмаларда бўлиб, аскарларнинг ҳаёти билан танишдилар ва уларга қимматбаҳо совғалар тақдим этдилар.

— Жанубий-ғарбий округ ва мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари мактаблар, олий ўқув юртиларда тез-тез бўлиб, битирувчи синф ўқувчилари билан амалий машғулотлар ўтказдилар, — дейди биз билан суҳбатда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Ғофуржон Шодмонов. — Баҳорги чақирувга пухта тайёргарлик билан келдик.

Яқинда ҳарбий комиссариат ходимлари Қарши шаҳри, Ғузур, Қарши, Яқкабоғ туманлари мактабларида жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим фанларининг ўқитилиши билан танишдилар. Натжидада айрим мактабларда ҳарбий курол ва ўндан фойдаланиш ўргатилмаётганини, машғулотлар юзаки ўтказилаётганини аниқланди.

Қарши шаҳридаги 10-мактабда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ва ҳарбийлар иштирокида «Мардлар қўриқлайди Ватани» мавзусидаги давра суҳбати қизикarli ўтди. Унда ҳарбий бўлинма зобитлари М.Каримов, Ш.Маъдиев, Н.Мирзакаримовлар Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурч эканлиги, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ҳақида сўзлаб бердилар.

Равшан Муталибов раҳбарлик қилаётган Қарши горизонлида маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Қисмда ҳарбий кўпқураш мусобақалари, назарий машғулотлар юқори савиёда ўтказилади.

Амалга оширилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Биргина ўтган йили 40 нафардан зиёд қашқадарёлик ёшлар республикамизнинг олий ва ўрта махсус ҳарбий билим юртиларига ўқишга кирдилар.

ИЗЗАТ ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Кўпинча таниш-билишлар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлса, газ жоннинг роҳати, беминнат дастёр, дейди. Лекин минглаб чақирим масофадан қувур орқали олиб келинаётган «зангори олов»га ҳаммиша ҳам кўнгилдагидек муносабатда бўла-ямизми? Биттагина гугурт чўпини иқтисод қилман, деб чала ўчирилган газ пилиги бекорга ёниб ётган сув иситиши печкасини кўриб баъзида кўнгли-миз хижил тортади.

— Мана шу кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш ва табиий газдан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси «2002-2004 йилларда уй-жой фондиди газ хисоблагичлар билан жиҳозлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилганди, — дейди «Тошшаҳаргаз-таъминот» шўба қорхонасининг бош мундириси Со-биржон Кўчаров. — Мазкур қарорни амалга ошириш

борасида Тошкент шаҳрида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда газ хисоблагичлар сотиб олиш ҳамда кўп қаватли ва аҳолининг яқка тартибдаги уйларига ўрна-тиш «Узкомунхизмат» аген-тлининг «Бошқомунгаз» қорхонаси маблаглари хисо-бига амалга оширилиши кўрсатилган. У «Бошқомунгаз» қорхонаси томони-дан ўрнатилгандан кейин истеъмолчи томонидан беш йил муддатда тўланиши за-

Қарор ва ижро

ТЕЖАМЛИ, ҲАМ АРЗОН

рурлиги кўрсатиб ўтилган-ди. Шу боис биз истеъмолчиларга Хитойда ишлаб чиқарилган, қиймати 28-32 минг сўм бўлган газ хисоблагичлари ўрнатаёلمиз.

Тошкент шаҳрида шу кун-гача 413 минг 998 та кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг 61 минг 799 тасига мослама ўрнатилган. Мавжуд 126 минг 780 та яқка тартибдаги уйдан 118 минг 540 тасида ҳам бу иш амалга оширилган. Мутахассисларнинг таъкидлашларига, газ хисоблагичлар ўрнатилган, истеъмолчиларга анчагина енгил-лик туғиларкан. Масалан,

мослама ўрнатилган тақри-да 10 куб метр газ учун 44 сўм 30 тийин ҳақ тўланади. Хисоблагич ўрнатилмаган хонадон эгаси эса мана шу ҳажмдаги ёқилғига 76 сўм 57 тийин сарф этади. Демак, газ хисоблагич ўрнатилган хонадон эгаси тежамкорликка ўргана-ди, бунинг устига пешона тери билан топган пулини иқтисод қилиб қолиш имко-ниятига эга.

Кези келганда табиий бир савол туғилди. Бундан таш-қари пойтахтимиз ҳудудида истиқомат қилувчи айрим иссиқхона эгалари табиий газдан фойдаланишмоқда.

Ўз навбатида юқоридаги қорхона ходимлари Серге-лидаги «Кўшқўрғон», «Ку-марик», Юнусободдаги «Кулолқўрғон», «Шодлик», «Бободехқон», Акмал Икро-мов туманидаги «Пахтакор», «Бешқайрағоч», «Юсуф Саккокий» каби маҳалла-ларда бўлиб, бу борада кўплаб савол-жавоблар ўтказди. Алоҳида газ хисоблагичлар ўрнатишга рози бўлган иссиқхона эга-ларига ҳам газдан фойда-ланиб, махсуслот етиштири-шга руҳсат этилди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: 1. Мактаб раҳбарлари ҳозирги вақтда 9-10 соатдан ташқари яна неча соатдан дарс бериши мумкин? (Фан ўқитувчилари етишмаслиги сабабли)

2. Тил ва адабиёт ўқитувчисига I ва II тоифа берилган. Лекин мутахассис етишмаслиги сабабли тарих, география ёки бошқа фанлардан дарс бериш, бу ўқитувчига ўтаётган бошқа фанларига тоифа бўйича ставкаси-га қўшимча ҳақ қўйиладими?

3. Мактаб раҳбарлари - ди-ректор, директор ўринбосарлари лавозими билан 12 соатгача дарс беради. Улар 55 ёшдан

имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкинми?

О.ЭГАМҚУЛОВ, Сирдарё вилояти.

ЖАВОБ: 1. Мактаб раҳбарлари-га ҳозирги вақтда берилаётган 9-10 соатдан ташқари қўшимча дарс соатлари ўша мактабларда фан ўқитувчиларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, туман, шаҳар халқ таълими бўлими руҳсати билан бери-лиши мумкин.

2. Тил ва адабиёт ўқитувчисига I ва II тоифа берилган бўлса, шу мактабда мутахассислар етишмаётган ҳолларда бошқа фанлардан туман халқ таълими бўлими руҳсати би-

лан дарс бериши мумкин. Бироқ уларга иш ҳақи мутахассис ўқитув-чига тўланадиган иш ҳақига тенг бўлади. Чунки у бошқа фанлардан тоифага эга эмас.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май №250 қарори билан тасдиқланган имтиёзли шарт-ларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, му-ассасалар, ишлар, касблар, лаво-зимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатида (белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчилар рўйхатида) мактаб раҳбарлари назарда ту-тилмаган.

Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: қонунчилик-да барча ишга кирувчи-лар ва барча ишлаётган ходимлар иш давомида тиббий кўриқдан ўтиши белгиланганми? Тиббий кўриқдан ўтишдаги харажатлар ходим то-монидан қопланадими? Б.ХУҲАЕВ, Андижон вилояти.

ЖАВОБ: қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходим-ларни вақти-вақти билан иш давомида тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Меҳнат Кодексиди тиб-бий кўриқдан ўтишга доир алоҳида 214-модда киритилган. Унда иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

- ўн саккиз ёшга тўлма-ганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шариоити ноқу-лай ишларда, тунги иш-

ларда, шунингдек, транс-порт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларда-ги ишларда банд бўлган-лар;

озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тар-моқлардаги ишларда банд

лан тиббий кўриқдан ўти-лиши зарур бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирли-гининг 2000 йил 6 июни-даги 300-сон буйруғи би-лан тасдиқланган.

Тиббий кўриқдан ўтка-зишдан кўзланган асосий

тиббий кўриқдан ўтка-зиши иш берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриқлардан ўтишда ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ходим тиббий кўриқдан ўтишда қандай турдан поликли-ника хизматидан фойда-линишидан қатъий назар чикимдор бўлиши мум-кин эмас.

Шундай экан ходимлар тиббий кўриқдан ўтишда ҳақ тўлайдиган бўлса, бу ноқонуний ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан муас-сасаларнинг касаба уюш-ма қўмиталари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон буйруғи билан тас-диқланган Рўйхат бўйича ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишда Меҳ-нат Кодексининг 214-мод-даси талаблари тўлиқ ба-жарилиши доимо назорат қилиб боришлари, агар бу модданинг талаблари бузилган тақдирда, бун-дай қонунбузарчиликка чек қўйиш мақсадига му-рожаат органларига ра-ружаат қилишлари зар-рур.



бўлганлар; умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва таъ-лим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шариоити ноқулай ишлар ва бажарилаётгани-да дастлабки тарзда ва иш давомида вақти-вақти би-

мақсад ходимларнинг меҳ-натидан уларнинг соғ-лиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймасликдир.

Агар ходим ўз соғлиғи-нинг ҳолати меҳнат шаро-ити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобла-са, у навбатдан ташқари

Саволингизга Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмита раиси ўринбосари М. Петросянц жавоб беради

САВОЛ: 1982 йил иш пайти-да кўзим жараҳатланганлиги боис II гуруҳ ногиронлик на-фақасига чиққанман. Шу пайт-дан буюн менга МПКА—122 трест маъмурияти томонидан энг кам иш ҳақининг 80 фоизи микдориди нафақа бериб келинаётган эди. Аммо бу қор-хона олдинги жойидан шаҳар марказига кўчирилган 2000 йилда маъмуриятдагилар ол-динги трест тарқатилди, энди сизга нафақага тўлай олмай-миз дейишди.

Айни пайтда ишлаб чиқаришда содир бўлган жараҳат учун тўланадиган нафақани ололмайман. Қорхонадаги-ларнинг шу иши қонун тала-бига мосми?

Р. ЖУМАНОВ, Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: Сиз томондан қўйил-ган савол қонун асосида ҳал қилинган. Бу Ўзбекистон Респу-бликаси Фуқаролик Кодексининг 1015 моддасида кўзда тутилган: «Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартиб-да жавобгар деб топилган юри-дик шахс қайта тузилган тақдир-да, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вори-си зиммасида бўлади. Зарар-нинг ўрнини қоплаш тўғрисида-ги талабнома ҳам унга тақдим этилади.

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартиб-да жавобгар деб топилган юри-дик шахс тугатилган тақдирда, тегишли тўловлар уларни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим.

Тугатилган юридик шахсининг мол-мулки йўқлиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлма-ган ҳолларда, белгиланган сум-малар жабрланувчига давлат то-монидан қонунда назарда тутил-ган тартибда тўланади».

Қонун бўйича бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-масининг 2000 йил 23 декабрда-ги 498 сонли «Бюджетдан таш-қари пенсия жамғармаси маблаг-ларини шакллантириш ва сарф-лаш тартиби тўғрисидаги низом-ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорда белгилаб қўйилган. Ушбу «Низом»нинг 11 банди 6 қисми-да Жамғарма маблаглари: «қор-хона тугатилганида, меҳнат вази-фаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майибланган, қасб қасал-лиғига учраган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган хо-димга зарарни қоплаш учун тўла-надиган суммаларни тўлашга йўналтирилади», деб айтилган.

Низомнинг 3 бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Ижти-

мой таъминот вазири ва Қора-қалпоғистон Республикаси, вило-ятлар, туманлар ва шаҳарлар иж-тимоий таъминот органлари раҳ-барлари Жамғарма маблаглари-нинг тасаруфчилари ҳисоблана-дилар.

Бундан келиб чиқадикки, қор-хона тугатилганда соғлиққа еткази-лган зарарни қоплаш ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республика-си Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари зиммасига юклатилган. Бу органлар тўлашни рад қилган ҳолларда, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар судга мурожа-ат қилишлари мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48 - қарор билан тасдиқланган «Ходимларга ула-рининг меҳнат вазифаларини ба-жариш билан боғлиқ ҳолда жара-ҳатланиши, қасб қасалликларга чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфай-ли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш Қои-далари»да бу тўловларни амал-га ошириш тўғрисида шундай дейилган: «Энг кам иш ҳақи мар-казлаштирилган тартибда оши-рилганда зарарни қоплашнинг барча суммалари мутаносиб ра-вишда кўпайтирилади». (Қоида-ларнинг 9 банди 2 хат боши).

Наманган вилоятининг Учқўр-гон туманидаги иқтисодиёт кол-лежи 1974 йили ўз фаолиятини бошлаган. 2001 йилга келиб ушбу билим маскани биносига 514 миллион сўм сарфланиб, жа-ҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирдан чиқарилди. Жанубий Кореянинг имтиёзли кредити ҳисобига 100 миллион сўмлик замонавий ўқув-техника воситалари ҳамда турли жиҳоз-лар билан таъминланди.

Айни пайтда бу ерда 200 ўрин-ли ётоқхона, 135 ўринли ошхона талабалар хизматида. Спорт майдони, теннис корти, сузиш бассейни ҳаммиша ёшлар билан гавжум.

Суратларда: ўқув юрти ҳаётидан лавҳалар.

Ф.ХИДИРОВ олган суратлар



Республикамизнинг барча вилоятларида «Ўзбекистон саноат» давлат акциядорлик компанияси томони-дан мавсумий савдо ярмаркалари ўтказиладими.

МАВСУМИЙ КИЙИМЛАР ЯРМАРКАСИ

Бугунги кунда «Ўзбе-кенисанот» давлат ак-циядорлик компанияси та-саруфига 50 дан ортик қорхона кириди. Компа-ния тизимидаги барча қор-хоналарда ички ва ташқи бозор ўрганилиб, сифат-ли ва рақобатбардosh махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Урганч шаҳрининг мар-казий универсал дўкониди ташкил этилган ярмарка-да мазкур қорхоналарда ишлаб чиқарилган махсу-лотлар сотувга қўйилди. Ярмаркада 16 та таш-килот 39 миллион сўмлик махсулот билан қатнаш-ди. Савдога қўйилган махсулотлар аъло сифати ва арзонлиги билан ўзи-ни оқлайди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Жаҳон бозориди нефт нархи тушиб кетмоқда. Куни кеча Нью-Йорк қашмаё биржасида унинг баррели 25,90 АҚШ доллардан сотилди. Лондонда эса «қора олтин» 23,75 долларгача тушган.

Умуман, кейинги уч ой давомида нефт 35 фоиз арзонлашди. Феврал ойида нефт 39,99 долларгача кўтарилган эди. Нуртнинг арзонлашувида Ироқда нефт қазиб олиш ишлари бошлаб юборил-гани сабаб бўлмоқда.

Ироқни тиклаш ишларини молиялаштириш унчалик қийин иш эмас, чунки, нефтдан тушган даромад бу дастур иж-росига йўналтирилади, дейди Жаҳон бан-ки президенти Жеймс Вулфенсон Парижда чоп этиладиган «Трибюн» газетасига интервьюсида. Унинг таъкидлашичи, Ироқ қазиларини тўлаш масаласи кўтарилма-са, тиклаш жараёни учун йилга 15 мил-лиард доллардан талаб қилинади.

Пхенянда икки Корея давлатларининг вазирлар даражасидаги музокараси бошланди. Жанубий Корея вакиллари КХДРда атом бомбаси борми, деган саволга аниқлик киритишга ҳаракат қил-пти. Бироқ Пхенян ушбу саволга аниқ жавоб беришдан ўзини олиб қочаётир. Шундай бўлса-да, Сеул музокара тақ-дирини ядровий мавзуга боғлаб қўйиш режаси йўқлигини намойиш қилмоқда. Шу боис учрашувда атом мавзудан

ташқари икки томонлама ҳамкорлик ма-салалари ҳам муҳокама этилмоқда.

Яқинда Фаластин бош вазири этиб тайинланган Маҳмуд Аббос исроиллик-лар Ёсир Арофатнинг эркин ҳаракатла-нишига қарши чеклашларни бекор қил-мас экан, хориж сафарларига чиқмас-лигини маълум қилди. Кўзатувчилар-нинг фикрича, янги бош вазир шу йўл билан Исроил ва АҚШнинг Ёсир Аро-фатни яққалаб қўйиш режасида ишти-рок этмаслигини намойиш қилмоқда.

Ироқ соҳили яқинидаги миссиясини ўтаб бўлган АҚШнинг «Китти Хок» авиа-бардори яна Токио яқинидаги Йокосу-ка базасига қайтди. У билан бирга «То-магавк» қанотли ракеталар билан қурол-ланган «Каупенс» ҳамда «Жон Маккейн» ҳарбий кемалари ҳам кетди. Аввалроқ авиабардордаги ҳарбий самолётлар Япониянинг Хонсю оролидаги АҚШ ҳар-бий-ҳаво кучлари базасига қайтарил-ган эди.

Ўтган дам олиш куни Парагвайда пре-зидент сайлови бўлиб ўтди. 1947 йил-дан буюн ҳукмронлик қилиб келаётган «Колорадо» партиясидан номзодини кўрсатган Никанор Дуарте Фрутос сай-ловда 37 фойздан кўп овоз олиб пре-зидентлик лавозимини эгаллади. (ЎЗА)

ҒАФУР ҒУЛОМ ВА ШАРҚ АДАБИЁТИ

Ғафур Ғулом ҳамisha мумтоз ва замонавий Шарқ адабиётидан ўрганган, улкан сўз санъатдорларининг асарларидан таъсирланган, уларни таржима ва тарғиб қилган, шеърларида номлари ва асарларини фахр билан тилга олган, машхур байт ва мисраларни тазмин сифатида келтирган, улар яратган қаҳрамонларга талмиҳ санъати воситасида ишора қилган, уларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида мақола-лар ёзган, маърузалар қилган. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг нарий баёнини яратган, Муқимийнинг биринчи «Танланма асарлари»ни нашрга тайёрлаган, Низомий, Атоий, Жомий, Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Комил, Аваз, Премчанд, Абдулла Тўқайлар ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган, ҳатто Шарқ халқлари билан алоқалар тўғрисида «Тарихий муносабатлар» деган махсус мақола битган.

Ғафур Ғулом қайси шоир ҳақида ёзмасин, аввало, у яшаб, ижод этган замоннинг манзарасини чизади. Бу ушшоирнинг дунёқарашини англаш, асарларини тушунишга ёрдам беради. Айни пайтда, бу унинг билим доираси кенг ва чуқурлигини ҳам кўрсатади. Ўз навбатида, Ғафур Ғулом тадқиқ этган бу шоирлар унинг ўз ижоди ҳам у ёки бу даражада таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди.

Ғафур Ғулом ижодида Шарқ ва Фарб шеъриятининг гўзал анъаналарини маҳорат билан ўзаро омурта қилиб юборди. Бу фикрни шоирнинг аруздаги изланишлари, ғазал ва мухаммасларигагина суняниб айтаётганимиз йўқ. Бу рух шоир шеъриятининг мағиз-мағизига сингиб кетган.

Ғафур Ғулом шеърларида қадим туркий, форсий ва арабий сўзибораларнинг кўп учраши ҳам унинг Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билгани ва ундан беҳад таъсирланганидан далолат беради. Айтайлик, яқин-яқингача товар, кирпич сўзларининг соф туркий эканлигини кўпчилик билмасди. Холбуки, «Қиссаи Рабғузӣ»да бу сўзлар қўлланган. Ғафур Ғулом шеърларида ҳам уларга бир неча

март дуч келамиз. Ёки шоир томуғ, туғ, туғро, илик, улус, ёвуқ, ўтрик, қопқа, тунқотар, қароғ, ўрду, довул (ногора маъносиди), итик, учмоқ, оғу, тўқол, туман каби қадимий сўзлардан ҳам ўз шеърларида қайта-қайта маҳорат билан фойдаланади. Бинобарин, шоир сўзларнинг келиб чиқшини яхши билган.

Қардош халқларнинг адибу олимлари, маданият ва санъат намояндалари ўзбек деганда – Ғафур Ғуломни, Ғафур Ғулом деганда эса – ўзбекни тушунганлар. Ҳақиқатдан ҳам, Ғафур Ғулом ўз даврида ўзбекнинг тимсоллига айланиб кетган эди. Шоирнинг ўзи бу тўғрида фахрланиб:

Ғафур Ғулом кимлигини биласиз, Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз,

деб ёзган эди.

Албатта, Ғафур Ғулом шу хурматга муносиб шоир эди. У ўзбек адабиётини қардош халқлар адабиёти билан боғлаб турувчи ўзига хос кўпчилик бўлгани маълум. Бу закий инсон туркий ва форсий халқлар тарихи, адабиёти ва маданиятини чуқур билибгина қолмай, балки ўша тилларда ўз она тилидаги каби раво сўзлашган оларди: Қозғистонга борса – қозқоча, Тожикистонда юрса – тожикча, Татаристонда эса – татарча гапириб кетавериш унга чўт эмас эди. У қардошлик, халқлар дўстлигига бағишланган шеърларида туркий-форсий сўз ва иборалар, баъзида эса бутун бошли мисра ва байтларни кистириб кетаверган. Чунончи, «Қозқоч элининг тўйи» шеърисида шундай сатрлар мавжуд:

...Ўзбек эли – ўз оғам, деб – Ўтрик сўзламас қозқоч, Жекан, десам, жонга туташ, Иним, десам, яқинроқ, ...Саримойдай сўлқилдагон Ғоз ўмровли қизларинг. ...Женгай, десам, йироқ бўлмас, Синглим, десам, яхшироқ.

Ғафур Ғулом форс-тожик тилини ҳам яхши биларди. Шеърларида форс-тожик мақоллари, халқ кўшиқлари, улкан шоирларнинг машхур байт ва мисраларини

кўпинча таржимасиз – ирсолли масал ва тазмин сифатида ишлатиб кетаверарди:

«Самарқанд сайқали рўйи замин аст».

«Самарқанд ер юзининг сайқалидир» маъносини берувчи бу мисра халқ орасида машхур. Шунинг учун ҳам уни шоир ўзбекчалаштириб ўтирмаган бўлса керак. Ёки:

ота-боболар ҳам айтадиларки: **«Соли нек аз баҳор маълум мебошад».** Маъноси: «Йилнинг яхши келиши баҳордан маълум бўлади».

Шарқнинг XX асрдаги деярли барча адиблари Ғафур Ғулом билан дўст ва ҳамкор эдилар. Улар – Садриддин Айний, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Нозим Ҳикмат, Самад Вургун, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Фаби Мусрепов, Берди Кербобоев, Ҳоди Тоқтош, Ҳасан Тўфон ва бошқалар. Албатта, Ғафур Ғуломнинг бу шоиру ёзувчилар билан ўзаро муносабати тўғрисида хоҳлаганча гапириш мумкин. Лекин унинг форс-тожик адабиёти, сўз санъаткорларига муҳаббат ва эътиқоди бўлаққа эди. Ўз даврида Ўзбекистонда форс-тожик адабиётини Ғафур Ғуломдан зўр билладиган аллома бўлмаган. Бу соҳада иш олиб бораётган мутахассис борки, маслаҳат сўраб, унинг қошига келар эди. Ўз навбатида илми ҳам, меҳри ҳам дарё бўлган Ғафур Ғулом ҳеч кимдан ёрдамини аямас эди. У форсий адабиётни ўрганиш, таржима ва тарғиб қилиш ишларига ҳамisha бош-қош эди.

Албатта, Ғафур Ғуломнинг ўзбек сўз санъатида тутган ўрни, адабиётимизга қўшган ҳиссаси адабиётшунослигимизда анча-мунча ўрганилган. Шу билан бирга, шоир ижодининг етарлича тадқиқ этилмаган томонлари ҳам кўп. Шулардан бири – Ғафур Ғуломнинг қардош халқлар адабиёти, олим адиблар билан алоқаси, дўстлиги, ижодий ҳамкорлигидир. Бу муносабатларнинг ҳар бирини бир китоб қилса бўлади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Нишон туманидаги шоир Ғафур Ғулом номи билан аталувчи 10-мактабда олиб борилаётган ишлар мактовга сазовордир.

ҳамда синф хоналари таъмирланаётир. Утган йили 500 минг сўм даромад

саъй-ҳаракатлари ижобий натижа берапти. Раҳбарияти билан ка-

ШОИР НОМИДАГИ МАКТАБДА



саба уюшма ҳамкорлиги ўқитувчи ва ўқувчилар манфаатларини ҳимоя қилишда қўл келмоқда, – дейди қўмита раиси Абдусалом Соқиев. – Бизда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, «Маҳаллан тинч – сен тинч», «Кимнинг маҳалласи гўзал?» кўриктанловлари ўтказилди. Бу эса «Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғини худудини янада обдонлаштириш, осовишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорликда ўтказилган бундай тадбирлар кўпчилиқда катта таассурот қолдирмоқда.

Илм даргоҳида таълим-тарбия ишларининг ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб борилаётганлиги ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришда яхши самалар берапти.

қилиниб, унинг 250 минг сўмига мактаб учун дарсхона қилиниб, каттагина даронор барпо этилган. Сарҳил мевалардан кам таъ-

Ш. СУЛТОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Эҳтиром

Мактабда Ғафур Ғулом ижоди ва фаолиятига бағишланган турли кечалар, учрашувлар ўтказилаётганлиги ёшларни шоир ижоди билан янада яқинроқ таништириш имконини беради. Шунингдек, ўқувчилар ташаббус билан мактабда шоир номидаги боғ ташкил этилди. Богда олма, олхўри, ўрик, гилос сингари турли мевали дараклар парваришланапти. Бундан ташқари тоқзор ҳамда анорзор барпо этилган. Сарҳил мевалардан кам таъ-



ЭЛ-СОҒЛИҒИ ЮРТ БОЙЛИГИ

Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари Кенгаши таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти санаторий-профилакторийси фаолият олиб бораётганига 15 йил бўлди. Ана шу давр мобайнида кўплаб ёш авлод тарбиячилари бу жойда ўз соғлиқларини тиклашди. Санаторий-профилакторийда асосан физиотерапия усулида даволаш ишлари олиб борилади. Кардиолог Ойгул Тўраева, аёллар шифокори Рўза Аминова, тиш даволловчи Унгарбой Гулмуҳаммад, олий тоифали ҳамшира Ойзода Қачубаеваларнинг ширинсўзлиги ва даволаш хизматларидан бу ерда шифо топаётганлар ҳар доим мамнун холда сўз юритишади.

Суратда: даволаш маскани бош шифокори, «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» Жугинис Идиятов шифокорлар билан.

Француз ака-укалар Луи-Жан ва Огюст Люмьерлар ўзлари тасвирга олган илк фильмларини намойиш этиш учун проекция аппарати намунасини ихтиро этдилар. Худди шу йили О.Люмьер ва электротехник Ж.Каркание биринчи механик киноаппаратни яратдишди. Уша пайтда бундай аппаратлар турлича – фантоскоп, витаскоп, биоскоп, биограф каби номлар билан юритилган.

ИЛК КИНОАППАРАТЛАР

Киноаппаратни яратиш устида жуда кўп ихтирочилар – 1891 йил Эдисон (АҚШ), 1893 йил И.Тимченко ва М.Фрейденаберг (Россия), 1895 йил Ф.Годл (Англия), 1896 йил Т.Армэт (АҚШ) ва бошқалар шугулланишган.

Француз ака-укалар Луи-Жан ва Огюст Люмьерлар ўзлари тасвирга олган илк фильмларини намойиш этиш учун проекция аппарати намунасини ихтиро этдилар.

Худди шу йили О.Люмьер ва электротехник Ж.Каркание биринчи механик киноаппаратни яратдишди. Уша пайтда бундай аппаратлар турлича – фантоскоп, витаскоп, биоскоп, биограф каби номлар билан юритилган.

Б.ЭРНАҒАСОВ олган сурат

Тошкентда ёшлар театрлари халқаро «Хумо» фестивали доирасида Россиянинг «Улкан кўғирчоқлар» жамоаси томонидан тақдим этилган «Рицарининг саҳнатлари тўғрисида афсона» мусикий спектакл премьераси бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Бўйи тўрт метр ва эни уч метрга етадиган кўғирчоқларни шу кўғирчоқларни ичида турган актёрларнинг ўзлари ясаган.

Россия театрининг бадий раҳбари Олга Бабаеванинг қайд этишича, спектаклда болалар учун орзу бўлган улкан кўғирчоқларнинг сеҳрли мамлакатига рўй берадиган саргузашт эртак намойиш этилади.

О. Бабаеванинг таъкидлашича, ушбу театр спектаклларида катта кўғирчоқлар иштирок этувчи Россиядаги ягона театр ҳисобланади. У 15 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Утган вақт давомида улар ўндан зиёд спектаклларни саҳналаштирди. Дастлаб «Питер Пен», кейинчалик эса «Илон Гориничининг қайлиғи», «Қиш эртаги» ва бошқа асарлар ёшлар эътиборига ҳавола этилди.

«Улкан кўғирчоқлар» театри Сибир шаҳарларида, Шунингдек Эстония ва Германияда ҳам ижодий сафарда бўлишган. «Улкан кўғирчоқлар» тошкентлик ижодкорлар билан Кузнецкада ўтказилган фестивалда танишиб, улардан таклифнома олишганди.

«Туркистон-пресс»

Мирзачўл туманидаги С.Раҳимов номи 1-умумтаълим мактабида 926 ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларга 51 нафар ўқитувчи мурабийлик қилишади.

Мактабда болалар спортини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Бугунги кунда спортнинг қаратэ тури бўйича И.Иосифид, О.Теш, С.Данки, бокс тури бўйича Д.Дилдобов сингари ўқувчилар довуғи туманга ёйилган. Улар ўз маҳоратларини намойиш этиб келишаётир. Айни пайтда бу ерда узлуксиз спорт билан шугулланувчилар 200 нафардан ортиб кетди.

– Муаллимлар ўртасида ҳам мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриб-

Олис қишлоқ спорт

ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР

– дейди мактаб директори Бахтигул Кантемирова. – Бу ўқитувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир. Яқинда бошланғич ва юқори синф ўқитувчилари ўртасида «Қувноқ» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда арқон тортиш, қонда югуриш, бир оёқда туриш турлари бўйича ўзаро беллашилди. С.Тка-

ченко, Т.Пак, З.Сойназарова, Н.Орипова сингари ўқитувчилар ўзларининг чаққонлигини намойиш этишди. Бу каби қизикarli спорт мусобақаларини ташкил этишда жисмоний тарбия ўқитувчиси Виктор Моисеевнинг хизматлари катта, албатта.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялашда адолат тамойиллари қарор топмоқда. Аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими барпо этилди. Давлатимиз нафақахўрлар, серфарзанд оилалар, талабалар ҳамда аҳолининг иқтисодий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа табақаларига ҳамisha ҳамхўрлик қилиб келмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида муҳбирларимиз Республика Миллий реабилитация маркази директори, профессор Носир Муҳаммаджонов билан суҳбатда бўлди.

– Марказимиз Марказий Осиёда ягона илмий маскан бўлиб бу ерда турли тоифа ногиронларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Бунда биз замонавий тиббий асбоблардан унумли фойдаланяпмиз. Олим ва мутахассисларимиз олдида турган масъул вазифа ҳам тиббий-ижтимоий реабилитация чора-тадбирлари орқали ногиронларни оилага, маҳаллага, меҳнат жамоаси ва жамиятга қайтариш. Шу билан бирга уларнинг турли соҳаларда фаол иштирок этишларини таъминлаш, ногиронларни жўшқин меҳнатга қайтаришдир. Марказимиз 150 нафар беморга мўлжалланган клиникага эга. Бизда асаб, жароҳлиқ ва ички касалликларни, психология, функционал таъхисот, биокимё лабораторияси, физиотерапия ҳамда ташкилий-услубий бўлимлар мавжуд. Барча илмий бўлимлар бири-бирига узвий боғлиқ

бўлиб, уларнинг фаолиятини ногиронларнинг соғлигини қайта тиклаш, руҳиятини ижобий тарафга туйфайли ногиронлар реабилитацияси самарали бўлмоқда.

Негаки, илму фанда ҳам-

МАҚСАДИМИЗ - ЖЎШҚИН ҲАЁТГА ҚАЙТАРИШ

дейди Республика Миллий реабилитация маркази директори, профессор Носир Муҳаммаджонов

йўналтириш, унумли меҳнатга жалб қилиш мақсадида маслаҳатлар бериш, жамиятга қайта мослаштиришларини таъминлашга қаратилган. Бу йўналишда 3 нафар тиббиёт фанлари доктори, профессорлар, 10 нафар тиббиёт фанлари номзодлари, кичик ва катта илмий ходимлар, 22 нафар шифокор, врач-реабилитологлар, 57 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, марказимизда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг врачлик-меҳнат экспертизаси кафедраси ҳам жойлашган. Мазкур жамоа билан яқиндан ҳамкорлигимиз

корликсиз, ўзаро тажриба алмашиш, ривожланишга эришиб бўлмайди. Биз бир қанча хоржи мамлакатлар илмий масканлари, инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамфикр фаолият юртияпмиз. Шунингдек, республикамиздаги нуфузли илмий масканлар билан ҳам яхши алоқа ўрнатганмиз. Ниятимиз ногиронликнинг олдини олиш, уларни реабилитация қилиш борасида илгор тажрибаларни ўрганиш, илмий асосланган ягона услуб ва технологияларни амалиётга жорий қилишдир. Бу борада АҚШ ҳамда корейлик мутахассислар билан аънаъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро илмий-амалий анжуманнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Ногиронлар ижтимоий ҳимояси

Энсей /Корея/ реабилитация маркази билан етти йилдан бери ўзаро тажриба алмашиб келаяётимиз. Жорий йилда бўлиб ўтган семинарда мутахассислар малакасини ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Шуни алоҳида таъкид-

ликда жойларда шифокор эксперт-реабилитологлар малакасини ошириш, уларнинг билим савиясини кўтариш чораларини таъминлаш лозим. Бунинг учун бизда шарт-шароит етарли.

Тиббий меҳнат экспер-

тириб боришга қаратилган. Бу масалалар ногиронликни белгилашда марказ ва ТМЭ мутахассислари ўртасида доимо ҳамкорлик бўлишини такозо этади.

Ходимларимиз ўз малакаларини мунтазам равиш-

да олиб боришга қаратилган. Бу масалалар ногиронликни белгилашда марказ ва ТМЭ мутахассислари ўртасида доимо ҳамкорлик бўлишини такозо этади. Ходимларимиз ўз малакаларини мунтазам равишда олиб боришга қаратилган. Бу масалалар ногиронликни белгилашда марказ ва ТМЭ мутахассислари ўртасида доимо ҳамкорлик бўлишини такозо этади. Ходимларимиз ўз малакаларини мунтазам равишда олиб боришга қаратилган. Бу масалалар ногиронликни белгилашда марказ ва ТМЭ мутахассислари ўртасида доимо ҳамкорлик бўлишини такозо этади.

Бу вазифаларнинг бажарилишига тўла имкониятлар мавжуд. Тегишли грантларни олиб, илмий изланишларни давом эттирмоқдамиз. Испания, Португалия ва Буюк Британия илмий масканлари билан ҳамкорлик ишларини бошлаб юбордик. Белгиланган ишларнинг асосий мақсади бугунги кунда ижтимоий муҳофазага муҳтож ногиронларга қўлимиздан келган барча ёрдамларни аямасликдир.

Суҳбатдош:
Файзулла ИСАЕВ

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расуллов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 01.20

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.